

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Қўчқоров Тоҳир Сафарович

Тошкент давлат иқтисодийёт университети, “Рақамли иқтисодийёт ва ахборот технологиялари” кафедраси профессори

tkuchkarov443@gmail.com

Турабова Ш.Т.

Мустақил илмий изланувчи

Аннотация

Жаҳонда миқёсида молия ва банк тизимларини рақамли трансформация қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса рақамли технологияларнинг жадал ривожланиб бориши бу соҳадаги рақобатбардошликни янада кучайтирмоқда ва банк тизимидан янада янги инновацион рақамли технологияларни жорий этишни талаб этмоқда. Шунинг учун бу соҳадаги илмий изланишлар ва инновацион йўналишларни кучайтириш банк тизими олдидаги асосий вазифалардан бири бўлиб бормоқда.

Аннотация

Вопросы цифровой трансформации финансово-банковских систем в глобальном масштабе приобретает все более важное значение. В частности, стремительное развитие цифровых технологий усиливает конкурентоспособность в этой сфере и требует внедрения новых инновационных цифровых технологий со стороны банковской системы. Поэтому усиление научных исследований и инновационных направлений в этой сфере становится одной из основных задач, стоящих перед банковской системой.

Abstract

The issue of digital transformation of financial and banking systems on a global scale is gaining importance. In particular, the rapid development of digital technologies strengthens the competitiveness in this field and requires the introduction of new innovative digital technologies in the banking system. Therefore, strengthening

scientific research and innovative directions in this field is becoming one of the main tasks before the banking system.

Калит сўзлар

рақамлаштириш, рақамли трансформация, Нумо Рау, NFC, PAYNET, PAYME, CLICK

Ключевые слова

цифровизация, цифровая трансформация, Нумо Рау, NFC, PAYNET, PAYME, CLICK.

Keywords

digitization, digital transformation, Нумо Рау, NFC, PAYNET, PAYME, CLICK

Кириш

Ҳозирги кунда банк тизимини трансформация қилиш ва уларни рақамлаштириш жараёнлари жаҳон миқёсида кенг ривожланиб бормоқда. COVID-19 пандемияси сабабли банк сектори молиявий маҳсулотлар, масофавий ва рақамли хизматларни яхшилаш, банк хизматларини тезлаштиришга ва банкларнинг тегишли харажатларини камайтиришни асосий мақсад қилиб қўйди. Банклар COVID-19 тарқалиши даврида мижозларига рақамли ва масофадан бошқарувчи каналлари ёрдамида янада самаралироқ хизмат кўрсатишни таклиф этиб бошладилар. Бинобарин, банклар мижозларига маблағларини самарали бошқаришда, тўловларни амалга оширишда ва давлатнинг бошқа ташкилотлари билан узлуксиз иш фаолиятини ташкил этишда турли инқироз таъсирларини камайтиришга ёрдам бериши лозим бўлади. Натижада банк хизматлари шаклан ўзгариб бормоқда, унда янги рақамли ва молиявий технологияларни қўллашга бўлган эҳтиёж ошиб борди. Бу эса банклар тизимини рақамлаштиришни кенг кўламда амалга ошириш заруриятини юзага келтирди.

Жаҳонда COVID-19 пандемияси даврида банк мижозларига масофадан туриб банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этиш зарурияти вужудга келди ва оқибатда бу соҳада мобиль банкларнинг хизмат турларида (SMS, WAP, замонавий смартфонлар), рақамли ёрдамчилар, FinTechs хизматлари ва иловалар, интернет банкинг, сунъий интелект ва бошқа инновацион технологияларнинг ривожланишига олиб келди. Бу даврда банклар ҳам банк мижозлари ҳам ижобий тажриба ва кўникмаларга эга бўлди.

Ўзбекистонда ҳам юқоридаги сабалар туфайли ва пандемия оқибатида банк мижозларига масофадан туриб банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этиш ва бошқа қатор рақамли хизматларни жорий қилиш кенгайиб бормоқда.

Адабиётлар таҳлили

Дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, рақамлаштириш охириги ўн йиллар ичида шиддат билан ривожланиб бормоқда ва у ҳақида турли олимлар ўз фикрларини аниқ қилиб баён қилишганлар. Айрим хорижий олимларнинг фикрича, рақамлаштириш - бу рақамли технологияларни жорий этиш орқали, ресурсларни бошқаришни рақамлаштириш, янги инновацияларни жорий этиш,

компаниялар бошқарувини ўзгартириш ва уни бошқаришдаги фикрлашларни ўзгартириш демакдир (1). Gartner компаниясининг маълумоти бўйича, рақамлаштириш - бу компаниялар учун рақамли технологиялар ёрдамида уларнинг мавжуд бизнес моделларини такомиллаштириш ва улар ёрдамида янги қўшимча қийматни ҳосил қилиш демакдир (2). Рақамлаштириш – бу янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали компания бошқарувини янгилаш демакдир (3). Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида банкларда рақамли технологияларни жорий этиш масалаларини ёритишга қаратилган кўплаб олимларнинг илмий ишлари мавжуд бўлиб, улар томонидан бу соҳадаги олиб борилаётган ишлар кенг ёритиб берилган. Хорижий олимлардан Крис Скиннер бу соҳадаги молиявий секторнинг рақамли технологиялар ёрдамида трансформация масалаларини кенг ёритиб берган (4). Россиялик олимлар Кулагин В., Сухаревски А. ва Мефферт Ю. томонидан рақамлаштиришнинг асослари, бизнесни рақамлаштириш ва трансформация масалалари атрафлича ёритиб берилган (5). Бошқа бир олим А.Ю.Быков ўз илмий изланишида келажакда жаҳонда рақамли олтин стандартларига ўтиш асосларини тавсифлаб берган (6). Мамедов М.А. томонидан замоновий молиявий технологияларнинг банк тизимига таъсири масалаларини кенг ёритиб берилган (7). Чайкина Е. В. томонидан рақамлаштиришнинг банклар учун имкониятлари ёритиб берилган. (8). Олимлардан Полянин А. В., Долгова С. А. ва Иващенко Т. Н. томонидан банк тизимида рақамли технологияларни қўллаш йўналишлари атрафлича тавсифлаб берилган (9). Котова К. Ю. томонидан эса Россия банкларининг инновацион потенциаллари классификацияси атрафлича ёритилган (10). Ўзбекистон банкларининг рақамли ўзгаришларга тайёрлиги масалалари Ахмедов У. томонидан кенг таҳлил қилинган ва унда автор рақамли иқтисодни қўллаш афзалликларини очиб бера олган (11). Ўзбекистон банкларида рақамли трансформацияга тайёрлик масалалари Азларова А.А. ва Рахматиллаева М. томонидан ҳам ёритиб берилган (12). Юқоридагилардан кўришиб турибдики бугунги кунда банк тизимининг трансформацияси ва уни рақамлаштириш масалалари долзарб мавзуга айланиб бормоқда.

Тадқиқот методлари

Жаҳон миқёсида банкларнинг рақамли трансформацияси ва аҳамиятини ўрганиш учун бу соҳага оид малумотларни ўрганишда илмий абстракциялаш, мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлиллаш, монографик тадқиқотлар, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

COVID-19 пандемияси дунё банклари томонидан рақамли технологияларни қўллашга бўлган талабни кучайтирди ва натижада жуда кўплаб банкларда рақамли хизмат турлари сони ва рақамли банклар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Ахборот ва коммуникациялар соҳасида янги имкониятлар ва инновацион технологиялар пайдо бўлиши оқибатида, турли молиявий ташкилотлар томонидан янги рақамли молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришларнинг пайдо бўлиши ва банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайишига олиб келди. Шундай қилиб, ахборот ва коммуникацион

технологияларни, инновацияларни ривожлантириш, иқтисодий, молия ва банк тизимларини рақамлаштиришга, банклар ва нобанк тузилмалари ўртасидаги молиявий хизматлар бозори рақобатининг кучайишига олиб келди. Молиявий хизматлар соҳасида мижозлар учун қаерда, қачон ва қайси хизмат турларидан фойдаланишни танлаш имконияти вужудга келди. Мижозларнинг эҳтиёжларини ўрганиш натижасида банклар томонидан 24 соат (24/7) давомида хизмат кўрсатиш турлари вужудга келди ва бу соҳадаги хизмат турлари жадал ривожланмоқда. Масалан, телефон орқали электрон тўлов тизимлари, электрон пуллар, масофавий хизматлар, стационар банк хизматлари, шу жумладан онлайн-банкнинг маҳсулотлари, банк терминаллари ва автоматлаштирилган банк марказлари вужудга келди. Бошқача айтганда, рақамлаштириш иқтисодийда нафақат янги нарсаларни яратади, балки банклар учун имкониятларни, янги усулларни излашга ундайди.

Жаҳонга машҳур Делойте Туш аудиторлик компаниясининг тадқиқоти натижаларига кўра, ҳозирги кунда банкларни уларни рақамлаштириш даражасига кўра қуйидаги 4 гуруҳга ажратиш мумкин: энг рақамлаштирилган банклар (барча ўрганилган банкларнинг 10 фоизи), илғор издошлар, издошлар ва ортда қолганлар (13). Банкларда рақамлаштириш жараёнларини тезлаштириш учун Делойте Туш компанияси банкларга 3 та асосий нарсага эътибор беришни маслаҳат беради, яъни:

Мижоз талабини ўрганиш. Бунинг учун мижозлар учун қайси ўзаро таъсир каналлари энг жозибадор эканлигини, шунингдек, уларнинг банк хизматларига бўлган талаблари қандай эканлигини аниқлаш керак.

Рақобат даражасини ўрганиш. Орқада қолган банклар бозорга етиб олиш ёки рақобатчилардан ажралиб туриш учун айнан нимани амалга ошириш кераклигини аниқлаш лозим. Шунингдек, қандай хусусиятлар мижозларни жалб қилиши, уларни жалб қилиш ва пул ишлашга ёрдам беришини аниқлашга эътибор бериш керак.

Тармоқдаги тенденцияларини ўрганиш. Бунинг учун қуйидаги саволларга жавоб топиш лозим: маҳаллий бозор учун қандай янги рақамли тенденциялар долзарб; қандай илғор халқаро тажрибаларга амал қилиш керак; етакчилар қайси соҳаларга сармоя киритиши ва экотизимни қуриш учун банк кимлар ва қандай ташкилотлар билан қандай ҳамкорлик қилиши керак.

Делойте Туш компанияси дунё бўйича 39 та мамлакатдаги 318 та банклар фаолиятини таҳлил қилди. Таҳлилчилар 4,9 минг мижоз билан суҳбат ўтказди ва банклар фаолияти бўйича 1108 параметрни таҳлил қилди, булар ичида мижозларни қўллаб-қувватлаш даражаси, онлайн карталарга буюртма бериш имконияти, банк иловалари илова орқали ҳисобни бошқариш ва ҳоказо имкониятлар. Ҳисоботда қайд этилишича, COVID-19 пандемияси банклар томонидан рақамли хизматларни ривожлантириш учун туртки бўлган, дунё бўйлаб банкларнинг 40% дан ортиғи контакtsiz тўлов лимитини оширган, 34% тўлиқ рақамли жараёнларни ишга туширган, 23% эса мижозларининг шахсини рақамли текшириш усулларини жорий қилганлар (13). Таҳлилларга кўра Россия банклари мижозлари фикрини ўрганишда шу нарса маълум бўлдики, улар интернет-банкнингдан кўра мобил иловаларни афзал кўришади,

респондентларнинг 95 фоизи баланс ва тўловларни телефон орқали текширишни хоҳлашларини, 91 фоизи эса телефон орқали тўлов ва пул ўтказмаларини амалга оширишни афзал кўришини айтишган (1-расм).

	Банк	Коммуникации	Платежные сервисы и технологии	Оформление продуктов	ИТОГО
1	Райффайзенбанк	24,0	37,1	20,0	81,1
2	ВТБ	26,0	39,1	15,0	80,1
3	Тинькофф Банк	18,0	39,7	20,0	77,7
4	Уральский Банк Реконструкции и Развития	21,3	32,1	20,0	73,5
5	МТС Банк	18,0	38,3	15,0	71,3
6	Русский Стандарт	19,3	36,8	15,0	71,2
7	Альфа-Банк	11,0	39,5	20,0	70,5
8	Росбанк	17,3	38,2	15,0	70,5
9	Банк Открытие	11,0	39,0	20,0	70,0
10	Промсвязьбанк	15,0	39,1	15,0	69,1
11	Россельхозбанк	30,0	28,4	10,0	68,4
12	Хоум Кредит Банк	18,0	29,5	20,0	67,5
13	Газпромбанк	11,0	36,1	20,0	67,1
14	Совкомбанк	9,0	37,4	20,0	66,4
15	Ак Барс	14,0	37,0	15,0	66,0
16	СберБанк	16,0	39,5	10,0	65,5
17	Почта Банк	11,0	38,2	15,0	64,2
18	Банк Уралсиб	14,3	33,3	15,0	62,6
19	Московский Кредитный Банк	9,0	38,2	15,0	62,2
20	ЮниКредит Банк	11,0	35,4	15,0	61,4

1-Расм. 2021 йилда Россиянинг йирик банкларида рақамлаштириш ҳолати

Манба: <https://www.banki.ru/news/research/?id=10950478>

Ўзбекистонда ҳам COVID-19 банкларнинг рақамлаштиришга туртки бўлди. Бу соҳада аҳоли учун янги қулайликлар яратиш, электрон тўлов хизматларини яратиш ҳолатлари банклар орасидаги рақаботнинг кучайишига сабаб бўлди. Республикамизда нобанк ташкилотлари томонидан турли молиявий хизматларнинг электрон тўлов ва бошқа хизмат турларини аҳолига кенг таклиф этиши бу соҳада банклар ва улар ўртасидаги рақаботнинг кучайишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки таҳлилий маълумотларига кўра, 2018 йилдан ривожланиб бошлади (2-Расм).

Агарда бу бажарилган операциялар таҳлил қилинса, улар асосан 2020-21 йиллардан бошлаб жадал ривожланиб борганини ва бажарилган транзакциялар сони COVID-19 даврида кескин ошиб борганлигини кўрамиз. Демак, пандемия сабабли бу жараёнлар тезлашиб борган. Ушбу даврдаги бажарилган транзакцияларнинг ҳолатини олиб қарайдиган бўлсак, бу даврда рақамлаштириш

оқибатида улар сонининг ва ҳажмининг кескин ошганлигини кузатиш мумкин (3-Расм).



2-Расм. 2018-21-йилларда Ўзбекистон банкларида рақамлаштириш ва масафавий технологияларни қўллаш жараёнлари

Манба: https://cbu.uz/upload/medialibrary/a4e/CentroBank_Ru_EVU_3_2021.pdf

Ўзбекистонда рақамлаштириш шароитида амалга оширилган транзакциялар миқдорини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, улар ичида янги технологияларни қўллашни кенгайтиришнинг бир қисми сифатида контакtsiz тўловлар хизматининг НumoPay (NFC) тизимининг жорий этилишини кўришимиз мумкин. Ушбу технология жорий этилиши туфайли чакана савдо ва пуллик хизматларни амалга оширишда банкларда ўрнатилган мобил иловалари дастуридан фойдаланмасдан НumoPay (NFC) картаси орқали тўловларни амалга ошириш имкони пайдо бўлди. Бундан ташқари, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки янги ахборот тизимини ишга туширди ва QR-online тизими ишга тушиши орқали энди пластик картадаги маблағлардан мобил иловалари дастуридан фойдаланмасдан туриб бир зумда тўғридан-тўғри тўловларни амалга ошириш имконияти вужудга келди.

Ўзбекистонда нобанк тизимлари томонидан рақамли технологияларни қўллаш, мобил иловалар асосида аҳолига масофавий хизмат кўрсатишнинг қулай, тез ва осон бўлган янги инновацион турлари пайдо бўла бошлади. Улар PAYNET, PAYME, CLICK ва бошқалар пайдо бўлди. Улар банклар учун рақобат туғдира бошлади ва банкларнинг рақамлаштиришни ривожлантиришларига сабаб бўла бошлади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маълумотларига кўра, бугунги кунда масофавий банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар сони 10 млн. дан ошди (15). Тижорат банклари ўз бизнес жараёнларини ўзгартириб бошладилар ва мижозларга on-line хизматлар кўрсатишни ривожлантириб бошладилар. Масалан, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг “JOYDA” номли рақамли

хизмати ёрдамида турли хил маҳсулотларни маркетплей орқали сотиб олиш ва банк масофавий хизматларидан фойдаланиш мумкин.



3-Расм. 2020-21-йилларда Ўзбекистон банкларида рақамлаштириш шароитида амалга оширилган транзакциялар миқдори

Манба: https://cbu.uz/upload/medialibrary/a4e/CentroBank_Ru_EVU_3_2021.pdf

"Алоқабанк" томонидан эса рақамлаштиришнинг глобал IT-платформалари жорий этилди. Ҳозирги кунда республикада "Анорбанк" ва "ТВС банк"лар тўлиқ рақамли банкларга айландилар. Бундан ташқари республикада электрон пуллар ҳам жорий этилган бўлиб, улар билан ишлаш ҳуқуқини берувчи бешта компанияга Марказий Банк томонидан лицензиялар берилган. Электрон пулларни маҳаллий эмитентлар томонидан халқаро электрон пул тизимлари (Яндекс.Деньги, Webmoney) ҳисоб рақамларига ва улардан аксинча ўтказиш амалга оширилмоқда.

Хулоса

Шундай қилиб, Ўзбекистонда банк тизимини рақамлаштириш пандемия давридан бошлаб жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Рақамлаштириш аҳоли ва ташкилотлар учун қулай бўлган янги инновацион тўлов тизимларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Банклар ва нобанк тизимлари орасида рақобатнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Мижозлар қачон ва қаерда молиявий хизматлардан фойдаланишни танлаш имкониятига эга бўлдилар. Мижознинг эҳтиёжларини ўрганиш натижасидир банклар томонидан очилган 24 соатлик офислар (24/7), электрон банк технологиялари, молия бозорида таклиф этилаётган хизматлар турлари жадал ривожланиб бормоқда. Стационар банк хизматлари, шу жумладан онлайн-банкнинг маҳсулотлари, банк терминаллари ва автоматлаштирилган банк марказлари ташкил этилмоқда. Рақамлаштириш нафақат янги нарсаларни яратишга имкон бермоқда, балки банкларни янги инновацион имкониятларни, хизмат кўрсатишнинг янги усулларини қўллашга

излашга ундамоқда, миждозларни жалб қилиш соҳасида рақобатни келтириб чиқармоқда.

Келажакда эса Ўзбекистон банк тизими олдида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

- рақамлаштириш соҳасида банклар ўз стратегик режа ва концепцияларни ишлаб чиқишлари ва улар асосида бу соҳасидаги олиб борилаётган ишларни янада ривожлантириши;

- банклар томонидан рақамлаштириш орқали янги инновацион технологияларни ва хизмат турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- банклар томонидан ўз рақамли бизнес моделларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- банклар томонидан ахборот хавфсизлиги тизимларини қўллашни кучайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Francis B., Hasan I., Küllü A. M., Mingming Z. Should banks diversify or focus? Know thyself: The role of abilities. *Econ. Syst.* 2018, 42, 106–118. – URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S093936251830027X?via%3DiHub>.

2. Gartner. Gartner IT Glossary–Digitization. 2020. – URL: <https://www.gartner.com/en/information-technology/glossary/digitization> (Дата обращения: 11.03.2021.)

3. Hensmans M. How digital fantasy work induces organizational ideal reversal? Long-term conditioning and enactment of digital transformation fantasies at a large alternative bank (1963–2019). *Organization* 2020. – URL: <https://journals.sagepub.com/doi/10.1177/1350508420968185>).

4. Скиннер К. Человек цифровой: четвертая промышленная революция в истории человечества, которая затронет каждого» / Крис Скиннер; пер. с англ. О. Сивченко. — Москва: Манн, Иванов и Фербер, 2019. — 292 с.»)

5. Кулагин В., Сухаревски А., Мефферт Ю. Digital@Scale : Настольная книга по цифровизации бизнеса / Владимир Кулагин, Александр Сухаревски, Юрген Мефферт. М. : Интеллектуальная Литература, 2019. — 293 с. ISBN 978-5-6042320-7-1.

6. Быков А.Ю. Цифровая экономика и будущее золотого стандарта: очерки по истории мировой цифровой экономики / А. Быков. — Москва : Проект, 2019. — 228 с.

7. Мамедов Мурад Азер Оглы. Анализ влияния финансовых технологий на банковский сектор экономики России. https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=38887 ORCID: 0000-0003-2751-8283.

8. Чайкина Е. В. Цифровая экономика: новые возможности для банков // Экономика и управление: теория и практика. 2018. Т. 4. № 4-1. С. 43–49.

9. Полянин А. В., Долгова С. А., Иващенко Т. Н. Направления применения цифровых технологий в банковском секторе России // Государственное и

муниципальное управление. Ученые записки. 2019. № 3. С. 146–153. DOI: 22394/2079-1690-2019-1-3-146-153.

10. Котова К. Ю. Классификация банковских инноваций в цифровой экономике и оценка инновационного потенциала российских банков // Финансы и кредит. 2019. Т. 25. № 9. С. 2022–2039. DOI: 10.24891/fc.25.9.2022.

11. Ахмедов У. Готовы ли банки Узбекистана к цифровому рывку? Мнение эксперта. <https://www.spot.uz/ru/2018/08/02/digital-banking/>.

12. Азларова А.А. ва Рахматиллаева М. Трансформация банковского сектора – неотъемлемая часть процесса становления цифровой экономики в республике Узбекистан. (https://inlibrary.uz/index.php/scientific_potential/article/view/5267).

13. <https://frankrg.com/25912>

14. https://cbu.uz/upload/medialibrary/a4e/CentroBank_Ru_EVU_3_2021.pdf

15. Цифровая трансформация коммерческих банков. (<https://uz.sputniknews.ru/20210601/bankovskaya-sistema-uzbekistana-podvergnetsya-globalnoy-tsifrovoy-transformatsii-19035134.html>)